

“Коррупцияга қарши курашиш ҳамда уни олдини олиш” мавзусида тадбир бўлиб ўтди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27-майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Термиз тумани коррупцияга қарши курашиш комиссияси аъзоси Ўктам Мустафоқулов тумандаги маҳалла "бешлиги"дан иборат таркиб билан "Коррупция тараққиёт кушандаси" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбати давомида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги хусусида қатор тушунтиришлар бериб ўтилди.